



Поданинг бўридан қўрққани каби,

Аза яқин келса, ошар хавфимиз.

Бўри кетган маҳал, ўтлар подалар,

Гўё ўлимимиз кетгандай олис.

Ўрта мактабни ўқиган пайтимда, ота-онам билан, диндор муҳитда яшардим. Тун ярмидан оғганда, ухламасдан, кўчаларда дайдиб юриб келган пайтларимда онамнинг дуосини, намоз ўқиётган отамнинг овозини эшитардим. Гоҳида отам ўқиётган намознинг узунлигидан ажабланиб узоқ туриб қолардим. Айниқса, узун қиши кечаларида, уйку ширин бўлиб турган пайтда ўзимча ажабланиб айтардим: “У нимага бунчалик сабрли-а?, ҳар куни мана шундай, жудаям қизиқ”. Намоз мўминнинг роҳати ва у Аллоҳга муножот қилиш учун иссиққина ўринларини тарк этадиган яхши кишиларнинг ибодати эканини билмасдим.

Ҳарбий ўқишида ўткизган босқичдан кейин, мен улғайдим, менга тез-тез айтиб туриладиган панд-насиҳатларга қарамасдан мен билан бирга Аллоҳдан узоқлашишим ҳам улғайди. Ўқишни битирганимдан кейин шахримиздан йироқдаги бошқа бир шаҳарга ишга тайинландим. Лекин ишдаги дўстлар билан дастлабки танишишимнинг ўзи менга мусофиричилик қийинчилигини осон қилди. Қулоғимдан Куръон овози узилди. Мени намозга уйғотадиган ва унга қизиқтирадиган онамнинг овози узилди. Мен илгари яшаган оиласвий муҳитдан узоқда, ёлғиз яшай бошладим. Тинчликни сақлаш, магистрал йўлларни кузатиш ва муҳтоҷларга ёрдам бериш учун шаҳар атрофларини назорат



қилувчи бўлиб ишга йўлланма олдим. Ишимда тез-тез ўзгаришлар бўлиб туарди. Тиришқоқлик ва ихлос билан ишимни бажарган ҳолда, хотиржам яшардим. Лекин мен бу босқичда анчагина алғов-далғов ҳаёт кечирдим. Бўш вақтим кўплиги ва танишларим оз бўлгани учун ҳайронлик мени ҳар томонга олиб кетарди. Ўзимда зерикишни ҳис эта бошладим. Менга динимда ёрдам берадиган кишини тополмадим. Бунинг акси тўғрироқдир.

Автоҳалокатлар ва тан жароҳати олган кишиларни кўриш вазифам туфайли ҳаётимда кўп такрорланиб турадиган нарсалар эди. ...Ўша кун алоҳида ажралиб турадиган кун бўлди. Ишимиз асносида мен ва шеригим йўл бўйида тўхтадик, у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиргандик, тўсатдан кучли урилиш товушини эшитдик. Ўша томонга қарадик. У ерда бир сайёра рўпарадан келаётган бошқа сайёра билан урилибди. Биз жароҳатланганларни қутқариш учун ҳодиса юз берган жойга шошилиб бордик. Ҳодисани таърифлашга тил ожизлик қиласи:

сайёрада икки киши оғир ҳолатда. Уларни сайёрадан чиқариб, узунасига ётқиздик. Иккинчи сайёранинг эгасини чиқариш учун югурдик. Уни ҳаётдан кўз юмган ҳолда топдик. Аввалги иккисига қайтдик, улар жон бериш ҳолатида эди. Шеригим уларга шаҳодат калимасини айттира бошлади. “Ла илаҳа иллаллоҳ” денглар, “Ла илаҳа иллаллоҳ” денглар... бироқ, уларнинг тилларидан шаҳодат ўрнига баланд овозда ашула янграй бошлади. Бу ҳолат мени қўрқитиб юборди. Шеригим менинг аксим ўлароқ, ўлим ҳолатларини яхши биларди, шунинг учун уларга калимаи шаҳодатни қайта-қайта талқин қиласи. Кўзларим уларга тикилган ҳолда, қулоқ солиб, қимирламасдан, жим қараб туардим. Ҳаётимда бунақангি ҳолатни кўрмаганман. Балки бундан илгари бу суратдаги ўлимни кўрмаганман десам ҳам бўлади. Шеригим уларга шаҳодат калимасини такрор-такрор айтарди. Улар эса ашула айтишда давом этишарди. Фойдаси



бўлмади, ашула овози аста-секин пасая бошлади. Биринчиси жим бўлиб қолди, ундан кейин иккинчиси ҳам тўхтади. Ҳаракат йўқолди. Дунёдан кўз юмишди. Уларни сайёрага кўтариб бордик. Шеригим бошини ҳам қилган ҳолда жим кетарди. Бизга жимлик ҳукмрон эди. Бу жимликни шеригимнинг овози бузиб юборди. У менга ўлим ҳолати ва унинг ёмон хотимаси ҳақида гапирди. Инсоннинг ҳаёти ё яхшилик билан, ёки ёмонлик билан якунланишини ва бу якунланиш кўпинча ўша инсон ҳаётида қилган амалларининг нишонаси бўлишини айтди. Исломий китобларда ривоят қилинган кўп қиссаларни ва яна кишининг ҳаёти у тириклигига қандай бўлган бўлса, зоҳири ва ботинига қараб шундай якунланишини гапириб берди. Шифохонагача бўлган йўлни ўлим ва ўликлар ҳақидаги сухбатда ўтказдик. Биз ёнимизда ўликларни олиб кетаётганимизни эсласам ўлим ҳақидаги тасаввурим янада тиниқлашарди. Ўлимдан қўрқиб кетдим ва бу воқеадан етарли ибрат олдим.

Ўша куни хушуъ (хокисорлик) билан намоз ўқидим. Лекин бу воқеани аста-секин унутдим. Яна эски ҳолатимга қайта бошладим. Гўё мен ўша икки киши ва уларнинг воқеасини кўрмагандек бўлиб кетдим. Лекин қўшиқларни ёқтирамайдиган ва илгаригидек унга қаттиқ қизиқмайдиган бўлиб қолдим. Эҳтимол бу ўшаларнинг ўлим ҳолатида ашула айтганларини эшитганимга боғлиқдир.

Олти ойдан ошикроқ муддат ўтгандан кейин ажойиб воқеа юз берди. Бир киши оддий тезликда сайёрасида кетаётган экан, шаҳарга олиб борадиган ер ости йўлларининг бирида сайёраси бузилиб қолибди. Сайёрани тузатиш учун сайёрадан тушибди. Ғилдираклардан бири тешилган экан. Эҳтиёт ғилдиракни олиш учун сайёрасининг орқасида турган пайтда, катта тезликда келаётган бошқа сайёра уни орқасидан уриб кетибди. У қаттиқ жароҳатланган ҳолда йиқилибди. Мен аввалги



сафардагидан бошқа бир шеригим билан ҳодиса жойига келдим, уни ўзимиз билан сайёрада олиб кетдик ва уни кутиб олишлари учун шифохонага қўнғироқ қилдик.

Ёш йигит, унинг диндорлиги ташқи қиёфасидан билиниб турарди. Уни сайёрага солиш учун кўтарганимизда унинг пичирлаётганини эшитдик. Уни кўтаришга шошилганимиз учун, нима деяётганини англай олмадик. Лекин уни сайёрага солиб, йўлда кетаётганимизда аниқ овозни эшитдик. У баланд ва ёқимли овоз билан Куръон ўқирди. Субҳаналлоҳ! уни жароҳатланган демайсан. Кийимлари қонга бўялган, суяклари синиб кетан, балки у кўринишидан ўлим ҳолатида ётибди. У Куръонни чиройли овоз билан ўқиша давом этарди. Ҳаётимда бундай қироат эшитмаганман. Мен, ўзимча, аввалги шеригим қилганидек, унга шаҳодат калимасини айттираман деб ўйлагандим. Мен шеригим билан бу майин овозни эшитиш учун жим кетардик. Бутун вужудимга ва ҳатто ичларимга ҳам титроқ кирганини ҳис қилдим.

Тўсатдан...

Ҳалиги овоз тўхтаб қолди...

Мен шошиб орқага қарадим...

У кўрсатгич бармоғини кўтариб, шаҳодат калимасини айтаётган эди. Кейин боши эгилди... Мен сакраб орқага ўтдим.

Қўлини ушладим...

Юрагини...

Нафаслари...



Хеч нарса...

Омонатини топширибди... Унга узоқ термулиб қолдим. Кўзимдан ёш келди. Шеригимдан кўз ёшимни беркитдим ва унга қараб, бу йигит вафот этганини айтдим. Шеригим йифига тушиб кетди. Мен ҳам ҳўнграб юбордим, кўз ёшларим тўхтамасди. Бизнинг сайёрадаги бу кўринишимиз жуда таъсирли эди.

Шифохонага етиб келдик. Ҳар бир дуч келган кишига бу йигитнинг воқеасини айтиб бердик. Кўпчилик унинг ўлимидан таъсирланиб ийғладилар. Уларнинг баъзилари бу йигитнинг воқеасини эшитгандан сўнг бориб унинг пешонасидан ўпиб қўйди. Ҳаммалари унинг жаноза намозида иштирок этиш учун унинг жаноза намози қачон ўқилишини билмагунларича, кетмасдан қаттиқ туриб олишди. Шифохона хизматчилардан бири унинг уйига қўнғироқ қилди. Гўшакни олган киши унинг акаси эди. У шифохонага келгач, укаси ҳақида шуларни гапириб берди:

У йигит ҳар душанба куни қишлоқдаги ёлғиз бувисини кўриш учун борар экан. Шу фурсатдан фойдаланиб бевалар, етим ва мискинларни зиёрат қилас, шу боис ҳам қишлоқ аҳолиси уни яхши танишар экан. Йигит ҳар сафар улар учун китоблар, диний кассеталар ва муҳтожларга тарқатиш учун гуруч ва шакар олиб борар экан. Ҳаттоқи, болаларни хурсанд қилиш учун ширинликлар олиб боришни ҳам эсдан чиқармас экан. Йўлнинг узоқлигини айтиб, уни бу ишидан қайтармоқчи бўлганларга: “Йўлнинг узоқлигидан Қуръон ёдлаш, уни такрорлаш ва диний кассеталар эшлиши билан фойдаланаман ва ҳар бир босаётган қадамимга Аллоҳдан савоб умид қиласман”, - деб жавоб берар экан.



Эртаси кун масjidга одам тўлиб кетди. Кўп мусулмонлар жамоаси билан унга жаноза ўқидик. Жанозадан кейин уни қабристонга кўтариб олиб бордик. Уни ўша тор қабрга киргиздик. “Унинг юзини қиблага қаратиб қўйдилар”.

Унинг устига тупроқ торта бошладик. “Биродарингиз учун сабот сўранглар, чунки у ҳозир сўралади”.

У Охират кунларининг аввалини қарши олди. Мен эса дунё кунларимнинг аввалини қарши олдим. Қилган ишларимдан тавба қилдим. Шояд Аллоҳ ўтган гуноҳларимни кечириб, мени ўзининг тоатида мустаҳкам қилса, мен учун ҳаётимни яхшилик билан якунласа ва қабримни ва барча мусулмонларнинг қабрини жаннат боғларидан бирига айлантирса. Омин!